

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ:  
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”**

**МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА  
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**БУХОРО.– 2020**

329.	<b>Жамолова Д.М., Тилавова Ш.</b> Миллий матбуот саҳифаларида бухоро тарихи масалалари (“Ойна” журнали асосида)	1140
330.	<b>Qahhorov O.S.</b> Ta'lim jarayonida raqobat bardosh kadrlar tayyorlashda innovatsion texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati	1145
331.	<b>Жамолова Д.М., Шодиева Ш.С.</b> Бухоро-туркия: маориф соҳасидаги алоқалар	1150
332.	<b>Шойимов Ш.Ш., Кодиров Т.Ж</b> Исследование основных закономерностей синтеза графт сополимера коллагена	1155
333.	<b>Zaripov N.N.</b> Maktab o'quvchilariga Game Maker dasturidan foydalanib dasturlash tillariga bo'lgan qiziqishini orttirish	1158
334.	<b>Kasimov F.F.</b> Zamonaviy ta'lim-tarbiyada: internet va yoshlar masalasi	1161
335.	<b>Эргашов С.М.</b> Малые отели Бухары: перспективы развития	1163
336.	<b>Норов А.Э.</b> Кичик ва ўрта корхоналарда инновацияларни тижоратлаштиришнинг ташкилий- иқтисодий механизмининг назарий - услубий жиҳатлари	1164
337.	<b>Турсунов Х.Ш., Ҳикматов Ҳ.И., Ҳакимов Ў.Д.</b> Қорақўлчиликда инновацион технологиялар асосида маҳсулдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашда кластер модулини шакллантириш.	1167
338.	<b>Урбонбекова М.Т.</b> Пуллар таклифини тартибга солиш инструментларидан фойдаланиш амалиёти	1170
339.	<b>Худойқулова М.А.,. Худойқулова Д.А.</b> Чўлпон ижодини ўрганишда баҳс-мақоланинг ўрни	1174
340.	<b>Кахарова И.С.</b> Инновацион ривожланишда тилнинг аҳамияти	1177
341.	<b>Каххорова Г.С.</b> Тилнинг инновацион ривожланишида коннотациянинг аҳамияти	1182
342.	<b>Худойқулов Ҳ.А.</b> Ўзбекистонда олий таълим тизимини бошқаришни жадал ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш	1186
343.	<b>Ҳамидов О.А.</b> Техника йўналиши Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “ҳаётий фаволият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” фани буйица кўргазмали воситалар яратиш технологиялари.	1190
344.	<b>Усанов М. М.</b> Талабаларда булутли технологиялар асосида электрон таълим ресурсларини конструкциялаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришнинг ташкилий- педагогик шарт шароитлари	1193
345.	<b>Ахмедов Э.Р.</b> Техника йўналиши Олий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишда электрон таълим ресурсларининг дидактик имкониятлари	1196
346.	<b>Жамилов Ю. Ю., Тахиров А.М.</b> Фанга оид компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолашда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш имкониятлари	1199
347.	<b>Тошев Ю. Н., Ахтамов Б.Р.</b> “Технология” дарсларида ўқувчиларга иқтисодий таълим ва тарбия бериш	1202
348.	<b>Fayzullayev N.I., Ergashov M.Y.</b> Yuqori kremniyli seolitning faollanish sharoitini maqbullashtirish	1206
349.	<b>Хитаев Б.А., Бойсинова Н.Б., Хитаева Х.Б.</b> Воздействие сульфата цинка на гематологические показатели в эксперименте	1211
350.	<b>Хусанов М. С.</b> Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт	1215

## МАМЛАКАТИМИЗДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

*Хусанов Муроджон Суннатуллаевич*  
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети,*  
*“Макроиқтисодиёт” кафедраси докторанти*

Мамлакатимизда илм-фанни янада раvнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев юртимизда 2020 йилга “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном беришни, таклиф этдилар<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда 2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили, деб эълон қилинди. Рақамли иқтисодиёт ўзи нима?

Инсон ҳаёти, фаровон турмушининг сифати ва яшаётган атроф-муҳит шароити, яратилган қулайликларга бевосита боғлиқ. Бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Рақамли рақобатбардош иқтисодиёт миллий иқтисодиёт ва унда хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун яратилган зарур шароитлар аҳоли турмуш даражасини доимий яхшиланиб боришига хизмат қиладиган тизимдир.

Ўзбекистон ахборотлашган дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўринга эга бўлган, иқтисодиёти ривожланиб, халқининг фаровонлиги ортиб бораётган давлатлар сирасига киради.

Умумжаҳон тан олган ижтимоий ўлчовлар кундан кунга ортиб бораётган, таниқли олимлар, сиёсатчи ва иқтисодиёт соҳаси лидерлари томонидан эътироф этилаётган мамлакат ишлаб чиқариш, истеъмол, экспорт, туризм, хизмат кўрсатиш ҳамда ахборот коммуникациялари технология-ларини ҳаётга тадбиқ қилиш бўйича илгарилаб бормоқда. Бу эса ўз навбатида рақамли иқтисодиёт шаклланиб, ижтимоий-иқтисодиёт, бошқарув ва бошқа соҳалардаги ахборотларнинг мамлакат аҳолиси учун очиклиги ва шаффофлиги таъминланишига хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиёт бу иқтисодий, ижтимоий ва бошқа алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиса Мурожаатномаси.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte “Рақамли иқтисодиёт”<sup>2</sup> атамасини амалиётга киритди. Ҳозирги кунда бу ислохотни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта “Рақамли дивидендлар” номли маърузаси билан чиқиш қилган.

Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи нимада? Айтайлик, харидорга бирон бир жиҳоз керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграм ижтимоий тармоғидаги бирор савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш эса рақамли иқтисодиёт дейилади. Аслида барчамиз рақамли иқтисодиёт ичидамиз ва бугунги кунда унинг қулайликларидан фойдаланиб келмоқдамиз. Масалан, ойлик маошларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ҳамда турли хил хизматларга тўловларни амалга оширамиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул ўтказамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказолар. Электрон имзо - рақамли иқтисодиёт бўғинларидан бири ҳисобланади. Унинг ҳам афзаллик ҳамда қулайликлари жуда кўп бўлиб, шахсий кабинет орқали кириб қўшимча даромад солиқлари тўловларини амалга ошириш, онлайн аукционларда иштирок этиш, турли маълумотларни олиш ва кўплаб хизматларда фойдаланиш мумкин.

Рақамли иқтисодиёт нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир. Унинг белгилари юқори даражада автоматлаштирилганлик, электрон хужжат алмашинуви, бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви, маълумотлар электрон базалари, мижозлар билан ўзаро муносабат тизими (CRM) мавжудлиги, корпоратив тармоқлардир. Қулайликлари эса тўловлар учун харажатларнинг камайиши, (чунончи, банкка бориш учун йўлқира, вақт ҳамда бошқа ресурслар тежалади), товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олиниши, рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катталиги, истеъмолчи фикрини (фидбек) тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилиши, тезкор, сифатли ва қулайроқлиги билан изоҳланади.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада ошишига хизмат қилади. Энг муҳими, у коррупция ва яширин иқтисодиётнинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди,

---

<sup>2</sup> Николас Негропonte, В 1995 году сформулировал концепцию.

хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирор маълумотни яшириш, пинҳона битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини ошкор қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдашнинг иложи йўқ. Натижада пулларни ювиш, маблағларни ўғрилаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ёки камайтириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларни таъмирлашга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлининг танлаганлиги ахборот технологиялари, умуман олганда, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишларни очиб беради.

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси бугунги кунда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун телеграм ижтимоий тармоғидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам кескин ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишонмоқдалар. Фақат ҳозирча миқозлар йирик харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртача харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар. Навбатдаги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги бугунги кунда эришилаётган ютуқлар ва амалга оширилаётган ислохотларни кўзда тутиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимизнинг рақамли иқтисодиёт тизимига фаол ўтиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда катта қадам ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2019 йил.
2. Николас Негропонтэ - Электронной экономика, 1995 йил.